



Ипотека кредитлари шарҳи

2021 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича

Октябр 2021 | Тошкент

МУНДАРИЖА

Ўзбекистонда ипотека бозоридаги кредитлар ҳолати	2
Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари	13
Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари	17
Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати.....	21
Иловалар	24

Ўзбекистонда ипотека бозоридаги кредитлар ҳолати

2021 йил 9 ойида Ўзбекистон ипотека бозорида кредит кўрсаткичлари ипотека кредитларига бўлган юқори талаб ҳамда бирламчи бозордаги уй-жойлар таклифи ўртасидаги номуносивликлар таъсирида шаклланди.

Жорий йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғи **32,8** трлн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **26,2** фоизга (*6,8 трлн. сўмга*) ўсган бўлса, мазкур даврда ажратилган ипотека кредитлари эса **6,1** трлн. сўмни ташкил этди.

Мазкур камайиш тенденциясига асосий омиллар сифатида ипотека бозорида рақобат муҳитини янада ривожлантириш учун жорий этилган:

- 2020 йилги мақсадли давлат дастурларидан бошлаб “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК иштирокида бир қаватли арзон уй-жойлар қурилишининг тўхталиши;
- “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК иштирокида шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойларнинг қурилишини молиялаштириш **потенциал қарз олувчилар маблағлари** ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишига қаратилган тартибларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Жорий йил 9 ойида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **23,0** фоизни (*1 412,5 млрд. сўм*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31,8** фоизга (*3 022,4 млрд. сўмга*) камайган бўлса, мазкур даврда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг бозор тамойилларига асосланган **янги тартиби** (*кейинги ўринларда **янги тартиб** деб юритилади*) доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **12,3** фоиздан (*793,6 млрд. сўмдан*) **46,5** фоизга (*2 861,5 млрд. сўмга*) ошди.

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан дастлабки ипотека кредитлари 2020 йил 1 ноябрдан ажрата бошланган бўлса, жорий йил 9 ойида мазкур компания маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **19,9** фоизга (*1 221,3 млрд. сўмга*) етди.

Шунингдек, иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **20,4** фоизгача (*1 255,9 млрд. сўмга*) ўсди. (1-жадвал).

Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари¹

	2020 йил январь- сентябрь	2020 йил январь-декабрь	2021 йил январь-сентябрь
Ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	6 444,3	9122 (+14,3%)	6 149,3 (-4,8%)
- бирламчи бозорда	6 298,2	8841(+14,7%)	4 893,4 (-28,7%)
- иккиламчи бозорда	146,1	281 (+4,6%)	1 255,9 (+859,6%)
Янги тартиб доирасида ажратилган ажратилган ипотека ипотека кредитлари, млрд. сўмда	793,3	1746	2 861,5 (+360,7%)
- 1 ва 2 хонали квартира учун	367,5	748	1 459,6
- 3 ва ундан кўп хонали квартира учун	425,8	998	1 353,1
- якка тартибдаги уй-жойлар учун	0	0	48,8
"Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	0	61,9	1 221,3
- бирламчи бозордаги уй-жойларга	0	0,9	2,2
- иккиламчи бозордаги уй-жойларга	0	60,7	1 208,2
- уй-жойни таъмирлашга	0	0,3	10,8
Ипотека кредитлари қолдиғи, трлн. сўмда	01.10.2020 й.	01.01.2021 й.	01.10.2021 й.
	26,1	28,3 (+39,4%)	32,8 (+25,6%)

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жорий йилнинг 9 оyi давомида ажратилган ипотека кредитлари таркибий ўзгаришлар натижасида камайишига қарамасдан, ипотека кредитларига бўлган талаб юқориликча қолмоқда ҳамда мазкур талаблар, энг аввало:

➤ иқтисодий кўрсаткичларнинг жадал ўсиши (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот 6,9 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 4,9 фоизга ҳамда асосий капиталга бўлган инвестициялар 5,0 фоизга ўсиши*);

➤ аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши (*жорий йил 1 октябрь ҳолатига аҳоли сони 35,1 млн. кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 фоизни ташкил этиши*);

➤ республикада инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий тармоқлардаги улуши ошиши (*жорий йил 1 октябрь ҳолатига 73,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоизга ўсган*);

➤ янги тартиб жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги;

¹ Ипотека кредитларининг фоиз кўрсаткичлари ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан ҳисобланган.

➤ иккиламчи ипотека бозоридан уй-жой сотиб олиш, якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги билан изоҳланади.

Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор омиллар натижасида 2018 – 2021 йиллар давомида ипотека кредитлари қолдиғи **2,7** баробарга (*20,6 трлн. сўмга*), ипотека шартномалари сони эса қарийб **1,8** баробарга (*115,7 минг донага*) ошган. (1-расм).

1-расм

Ипотека шартномалари сони

минг дона



Ипотека кредитлари қолдиғи


трлн.сўмда



2021 йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғининг жами кредит қолдиғига нисбатан улуши **10,5** фоизни (*32,8 трлн. сўм*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26,1** фоизга (*6,8 трлн. сўмга*) ошган. (2-расм).

2-расм


Жами кредит портфелида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши, фоизда



Худудлар кесимида, **Тошкент шаҳрида** ипотека кредитлари қолдиғи **7,5** трлн. сўмни (ҳудуднинг жами кредит қолдиғидаги улуши 5 фоиз), **Самарқандда 3,0** трлн. сўм (*19 фоиз*), **Тошкент вилоятида 2,6** трлн. сўм (*13 фоиз*), **Қашқадарёда 2,5** трлн. сўм (*21 фоиз*), **Фарғонада 2,4** трлн. сўмни (*17 фоиз*) ташкил этди. (3-4-расмлар).


3-расм

2021 йил 1 октябрь ҳолатига худудлар кесимида ипотека кредити қолдиғининг жами кредит портфелидаги улуши, фоизда



4-расм

Ипотека кредитларининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда




Ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг **31,6** фоизи (*10,4 трлн. сўм*) **Ипотека банк**, **23,5** фоизи (*7,7 трлн. сўм*) **Қишлоққурилишбанк**, **11,7** фоизи (*3,8 трлн сўм*) **Миллийбанк**, **9,1** фоизи (*3,2 трлн. сўм*) **Асакабанк**, **9,4** фоизи (*3,1 трлн. сўм*) **Ўзсаноатқурилишбанк**, **4,7** фоизи (*1,6 трлн. сўм*) **Халқ банки** ҳамда **9,5** фоизи (*3,0 трлн. сўм*) **бошқа тижорат банклари** ҳиссасига тўғри келмоқда. (5-расм).

**2021 йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредити қолдиғида
тижорат банкларининг улуши, фоизда**




Ипотека кредитлари қолдиғининг **158,3** млрд. сўми (*жами ипотека кредити қолдиғининг 0,5 фоизи*) **7 йил**, **2 335,7** млрд. сўми (*7,1 фоизи*) **10 йил**, **9 425,7** млрд. сўми (*28,7 фоизи*) **15 йил**, **20 945,6** млрд. сўми (*63,7 фоизи*) **20 йилгача** ажратилган ипотека кредитлари хиссасига тўғри келган. (6-расм).

**Ипотека кредити портфелининг
муддатлар бўйича таҳлили, фоизда**



**Ипотека кредити портфелининг
муддатлар бўйича таҳлили, мингда**



Жорий йилнинг 9 ойида жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғи (*66,0 трлн. сўм*) таркибида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши **50,0** фоизни ташкил этган. (7-расм).

Ипотека кредити қолдиғининг жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғига нисбати




Жисмоний шахсларга ажратилган умумий кредитлар қолдиғида ипотека кредитлари улушининг пасайиш тенденцияси, энг аввало, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланиши ҳамда пандемия таъсирида жорий этилган карантин чораларининг юмшатилиши натижасида ишлаб чиқариш мақсадлари учун кредитларга бўлган талабнинг ипотека кредитларига нисбатан юқорида суръатларда ўсиши билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **27,8** фоизга (*14,3 трлн. сўмга*) ошган бўлса, ипотека кредитлари қолдиғи **25,9** фоизга (*6,8 трлн. сўмга*) ўсган.

Ҳудудлар кесимида кўчмас мулк олди-сотдиси таҳлил қилинганда, уларнинг энг юқори улуши **Тошкент шаҳри** (*жорий йил 9 ойида амалга оширилган умумий кўчмас мулк олди-сотди шартномалари сонидagi улуши 31 фоизи*), **Тошкент** (*12 фоиз*), **Фарғона** (*9 фоиз*), **Самарқанд** (*7 фоиз*) вилоятларида шаклланган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Сирдарё** (*2 фоиз*), **Жиззах** (*2 фоиз*), **Хоразм** (*4 фоиз*) ҳамда **Қашқадарё** (*4 фоиз*) вилоятларида кузатилди.

Шунингдек, жорий йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитларининг ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбати **Тошкент шаҳри** (*1,9 фоиз*), **Сурхондарё** (*1,8 фоиз*), **Сирдарё** (*1,8 фоиз*) ҳамда **Фарғона** вилоятларида (*1,7 фоиз*) нисбатан юқори шаклланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Навоий** (*0,7 фоиз*), **Тошкент** (*0,7 фоиз*) ва **Қашқадарё** (*0,9 фоиз*) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. (8-расм).

**Ажратилган ипотека кредитлари ва қолдиғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги
улуши, фоизда**




2021 йилнинг ўтган 9 оyi давомида тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари

Худудлар кесими бўйича таҳлил қилинганда, 2021 йил 1 октябр ҳолатига ажратилган ипотека кредитларининг **60,5** фоизи **5** та худудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **26,8** фоизи (*1 646,1 млрд. сўм*) **Тошкент шаҳри**, **9,5** фоизи (*585,4 млрд. сўм*) **Самарқанд** вилояти, **9,3** фоизи (*570,4 млрд. сўм*) **Фарғона** вилояти, **8,0** фоизи (*493,7 млрд. сўм*) **Андижон** вилояти ҳамда **6,9** фоизи (*426,4 млрд. сўм*) **Тошкент** вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган. (9-расм).

9-расм.


2021 йилнинг ўтган 9 оyi давомида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, худудлар кесимида ажратилган ипотека кредитлари сони ҳамда мазкур худудда **1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони** ўртасида боғлиқлик эластиклик юқори шаклланган бўлиб, улар сонининг ошиши ипотека кредитига бўлган талабни ошишини кўрсатмоқда.


Хусусан, жорий йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитларининг юқори сони **Тошкент шаҳрида 7,2** мингта (*1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони 7554 нафар*), **Фарғонада 4,4** мингта (*565 нафар*) **Самарқандда 3,4** мингтани (*235 нафар*) ташкил этмоқда. (10-расм).

Худудларда аҳоли зичлиги ҳамда ажратилган ипотека кредитлари сони ўртасида боғлиқлик чизмаси




Шунингдек, ҳисобот санаси ҳолатига ажратилган ипотека кредитлари таркибида **янги тартиб** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,4** фоизга (*736,0 млрд. сўмга*), “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар эса **24,2** фоизга (*636,7 млрд. сўмга*) ошган бўлса, банк маблағлари ҳисобидан ҳамда “Қишлоққурилишинвест” ИК ва “Ўзшаҳарқурилишинвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг улуши **40,6** фоизга (*292,5 млрд. сўмга*) камайган. (11-расм).

2020 - 2021 йилларнинг 9 ойи давомида ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши, *фоизда*




Жорий йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитларининг **25** фоизи (1 509,2 млрд. сўм) 18-30 ёшгача, **69** фоизи (4 239,5 млрд. сўм) 31-50 ёшгача, **7** фоизи (400,5 млрд. сўм) эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган. (12-расм).

2021 йил 9 ойида ажратилган ипотека кредитлари мижозларининг
ёш бўйича таснифи, *фоизда*



31-50 ёшгача



18-30 ёшгача



50 ёшдан юқори


Шунингдек, ипотека кредитларининг **4 893,4** млрд. сўми (*жами ажратилган кредитларнинг 80 фоизи*) **бирламчи** бозордаги уйларни (*шундан, янги тартиб доирасида 2 861,5 млрд. сўм*), **1 255,9** млрд. сўми (*20 фоизи*) эса **иккиламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун ажратилган.

Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2021 йил 9 ойида **янги тартиб** доирасида **13 282** нафар фуқароларга жами **2 861,1** млрд. сўм (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 баробарга ёки 2 042,8 млрд. сўмга кўп*) миқдордаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **1 459,6** млрд. сўми (*51,0 фоизи*) **1 ва 2** хонали квартира, **1 353,1** млрд. сўми эса (*47,3 фоизи*) **3 ва ундан кўп** хонали квартираларни, шунингдек, **48,8** млрд. сўми (*1,7 фоизи*) **якка тартибдаги уй-жойларни** сотиб олиш учун берилган.

13-расм


Янги тартиб доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Самарқанд** вилояти (*457,2 млрд. сўм*), **Тошкент** шаҳри (*436,1 млрд. сўм*), **Фарғона** вилояти (*372,5 млрд. сўм*) ҳамда **Андижон** вилоятлари (*349,8 млрд. сўм*) ҳиссасига тўғри келмоқда. (13-расм).


2020 йил ва 2021 йилнинг 9 ойида **янги тартиб** доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига **4 608,5** млрд. сўм миқдордаги ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг энг юқори улуши **Ипотека-банк** (*38,1 фоизи*), **Қишлоққурилишбанк** (*21,3 фоизи*), **Миллийбанк** (*9,4 фоизи*), **Халқ банки** (*5,8 фоизи*) ҳамда **25,4 фоизи бошқа иштирокчи тижорат банклари** ҳиссасига тўғри келмоқда. (14-расм).

2020 йил ва 2021 йилнинг 9 ойи давомида янги тартиб доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



2020 йилда ҳамда жорий йил 9 ойида **янги тартиб** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг **32** фоизи (*6 758 нафар фуқароларга 1 484,8 млрд. сўм*) уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

Янги тартиб доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Мазкур кредитларнинг **476,8** млрд. сўми (*32,1 фоизи*) Самарқанд, **157,9** млрд. сўми (*10,6 фоизи*) Андижон, **149,5** млрд. сўми (*10,1 фоизи*) Фарғона, **146,4** млрд. сўми (*9,8 фоизи*) Сурхондарё вилоятларида истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар ҳиссасига тўғри келади. (15-расм).

Шунингдек, ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **17,3** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,8** фоиз бандга пасайган.

2020 йил ҳамда 2021 йилнинг 9 ойида **янги тартиб** доирасида ажратилган ипотека кредитларини ўртача энг паст фоиз ставкаси жорий йил апрель ойида кузатилиб, **17,2** фоизни ташкил этди. (16-расм).

16-расм

Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳамда янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, *фоизда*



Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлар фоизлари мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши бўйича белгиланган тартиб билан изоҳланади.

Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси 2020 йилда **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келди.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан **янги тартиб** доирасида иштирокчи тижорат банкларига тақдим этилаётган ресурс маблағлари тижорат банкларига аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабини ўз вақтида қоплашга ҳамда тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, ипотека кредитлари фоиз ставкасининг пасайишига омил бўлмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган 2023 йилгача 5 фоизлик инфляцион мақсадга эришиш вазифаси белгиланган.

Келгусида инфляция даражасининг тушиши Марказий банк асосий ставкаси ва **янги тартиб** доирасида ажратиладиган ипотека кредитлари фоизининг мутаносиб тарзда пасайишига иқтисодий асос бўлади.


Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан бугунги кунда 9 та тижорат банклари (*Ипотека банк, Асака банк, Ўзмиллийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоққурилишбанк, Агробанк, Туронбанк, Ҳамкорбанк ва Халқ банки*) томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан **бирламчи** ва **иккиламчи** уй-жой бозорларида **квартиралар сотиб олиш (400,0 млн. сўмгача)** ҳамда **таъмирлаш учун (80,0 млн. сўмгача)** ипотека кредитлари ажратилмоқда.

Жорий йил 1 октябрь ҳолатида тижорат банклари томонидан мазкур компания ресурс маблағлари ҳисобидан **6 805** нафар фуқароларга **1 221,3** млрд. сўм миқдоридagi ипотека кредитлари ажратилди. Мазкур ипотека кредитларининг **98,9** фоизи (*1 208,2 млрд. сўм*) **иккиламчи** бозордан, **0,2** фоизи (*2,2 млрд. сўм*) **бирламчи** бозордан уй-жойлар харид қилиш учун, шунингдек, **0,9** фоизи (*10,9 млрд. сўми*) **уй-жойларни таъмирлаш** учун йўналтирилган.

17-расм

2021 йил 9 ойида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Ажратилган ипотека кредитларининг **29,3** фоизи (*357,9 млрд. сўм*) **Тошкент шаҳри**, **12,0** фоизи (*146,9 млрд. сўм*) **Тошкент вилояти**, **8,8** фоизи (*106,9 млрд. сўм*) **Навоий**, **7,2** фоизи (*87,4 млрд. сўм*) **Қорақалпоғистон Республикаси**, **6,5** фоизи (*78,8 млрд. сўм*) **Хоразм** вилоятида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳиссасига тўғри келади. (17-расм).

2021 йил 9 ойида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг (*1 221,3 млрд. сўм*) нисбатан юқори улуши **Ипотека-банкда 22** фоизни, **Ҳамкорбанкда 20** фоизни,

Ўзсаноатқурилишбанкда 19 фоизни, Қишлоққурилишбанкда 11 фоизни ташкил этган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар Ўзмиллийбанк (0,4 фоиз) ҳамда Халқ банки (1,6 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда. (18-расм).

18-расм

Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларда тижорат банкларининг улуши, фоизда



Шунингдек, жорий йил 9 ойда 133 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг жами 1 500,0 млрд. сўм (кредит графигига нисбатан 179 фоизга ёки 661,9 млрд. сўмга кўп) миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида 417 млрд. сўм (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 27,8 фоизи), Самарқандда 139 млрд. сўм (9,3 фоиз), Қашқадарёда 129 млрд. сўм (8,6 фоизи), Тошкент вилоятида 108 млрд. сўм (7,2 фоизи) миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилди. (19-расм).

19-расм

2021 йил 9 ойида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда




Тижорат банклари томонидан қурилиш пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлари ҳолати

2021 йил 1 октябрь ҳолатига тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига уй-жойлар қуриш учун ажратилган **кредитлар қолдиғи 2 052,4** млрд. сўмни (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39 фоизга ёки 571,4 млрд. сўмга ўсган*) ташкил этиб, уларнинг юқори улуши **Сурхондарё (25,1 фоизи), Жиззах (15,8 фоизи), Сирдарё (9,5 фоизи)** вилоятлари ва **Тошкент шаҳри (7,6 фоизи)** ҳиссасига тўғри келмоқда. (20-21-расмлар).


20-расм

Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига уй-жойлар қуриш учун ажратилган кредитлар қолдиғи, млрд. сўмда



21-расм

Тижорат банклари томонидан уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар, млрд. сўмда



Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига **янги тартиб** доирасида **шаҳар ва қишлоқ жойларида 4 ва ундан юқори** қаватли ҳамда **Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори** қаватли кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:


- кредит суммасининг **50** фоизигача, лекин **8** млрд. сўмдан ошмаган миқдорда **кафиллик**;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **1,75** бараваридан ошмайдиган ва суммаси **20** млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ **10** фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун кредитнинг олинган кундан бошлаб **24** ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида **компенсация** тўланмоқда.

2021 йил 1 октябрь ҳолатига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан **57** та пудрат ташкилотларига **95,6** млрд. сўм миқдоридagi **кафиллик** тақдим этилди ҳамда **44,8** млрд. сўм миқдоридagi **компенсация** маблағлари тўлаб берилган. (22-расм)

22-расм

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига тақдим этилган кафиллик ва компенсация маблағлари, млрд. сўмда




Ипотека кредитларининг қайтарилиши таҳлили

Жами ипотека кредит қолдиғининг **0,3** фоизи (85,9 млрд. сўм) **2010** йилгача, **13,4** фоизи (4 416,2 млрд. сўм) **2011-2016** йиллар давомида, **86,3** фоизи (28 363,3 млрд. сўм) **2017** йилдан жорий йил 1 октябрига қадар ажратилган ипотека кредитлари хиссасига тўғри келади. (23-расм).

23-расм


Ипотека кредити қолдиғининг ажратилган даври бўйича тақсимоти, фоизда



Жорий йил 9 ойида Қишлоққурилишбанк томонидан **379** млрд. сўм (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 25 фоизи) сўндирилган бўлса, мазкур кўрсаткич **Ипотека-банкда 339** млрд. сўмни (23 фоиз), **Миллийбанкда 196** млрд. сўмни (13 фоиз), **Асакабанкда 126** млрд. сўмни (8 фоиз) ташкил этмоқда.


Сўндирилган ипотека кредитларининг кредит графигига нисбати **Ипотека-банкда 115** фоизни (кредит графигиган нисбатан 181,4 млрд сўм кўп сўндирилган), **Ўзсаноатқурилишбанкда 79** фоизни (+52,2 млрд. сўм), **Қишлоққурилишбанкда 74** фоизни (+161,0 млрд. сўм), **Алоқабанкда 72** фоизни (+8,0 млрд. сўм) ташкил этмоқда. (24-расм).

2021 йил 9 ойида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



Таҳлилларга кўра, 2021 йил якунига қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека жами **2 277,6** млрд. сўми, жумладан, **Қашқадарёда 269** млрд. сўм (жами сўндирилиши кутилаётган ипотека кредитларининг 11,8 фоизи), **Самарқандда 219** млрд. сўм (9,6 фоизи), **Сурхондарёда 209** млрд. сўм (9,2 фоизи), **Андижонда 188** млрд. сўм (8,2 фоиз) тўлиқ сўндирилиши кутилмоқда. (25-расм).

2021 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг сўндирилиши кутилаётган миқдори, млрд. сўмда



2017-2021 йилларнинг 9 ойида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан										Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.10.2021 й.)
				2017 йил III чорак		2018 йил III чорак		2019 йил III чорак		2020 йил III чорак		2021 йил III чорак		
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
ЖАМИ		199 555	23 468,0	19 250	1 882,9	41 488	3 687,3	46 258	5 304,2	50 627	6 444,3	41 932	6 149,3	32 865,4
1	Қорақалпоғистон Республикаси	14 546	1 460,6	1 206	97,2	3 106	269,4	4 336	498,5	3 203	351,2	2 695	244,3	2 023,4
2	Андижон вилояти	10 972	1 249,2	1 496	122,6	2 896	216,2	1 934	204,3	1 631	212,4	3 015	493,7	2 105,3
3	Бухоро вилояти	8 183	862,8	146	12,8	2 288	233,4	1 878	216,7	1 796	144,1	2 075	255,8	1 524,4
4	Жиззах вилояти	9 824	909,9	1 578	97,4	2 804	182,7	2 026	214,6	2 092	248,2	1 324	166,9	1 530,9
5	Қашқадарё вилояти	17 598	1 769,4	2 520	253,8	4 985	529,0	3 852	413,7	3 680	299,6	2 561	273,4	2 447,1
6	Навоий вилояти	8 076	825,6	1 316	116,0	1 669	111,6	1 712	130,9	1 395	167,8	1 984	299,4	1 397,9
7	Наманган вилояти	9 742	967,9	433	36,8	1 565	146,4	2 228	232,3	2 806	189,6	2 710	362,8	1 661,9
8	Самарқанд вилояти	18 029	2 197,6	1 951	167,2	3 628	322,9	4 594	497,0	4 484	625,0	3 372	585,4	3 008,6
9	Сурхондарё вилояти	15 101	1 597,2	1 832	147,0	3 458	304,8	2 852	329,9	3 664	422,7	3 295	392,7	2 228,1
10	Сирдарё вилояти	6 963	724,1	1 245	77,3	1 561	120,2	1 625	150,4	1 244	179,8	1 288	196,3	1 126,2
11	Тошкент вилояти	18 321	1 820,2	1 300	97,3	2 927	188,2	5 097	579,7	5 642	528,5	3 355	426,4	2 556,5
12	Фарғона вилояти	16 541	1 624,7	1 559	128,3	2 874	228,4	4 196	392,8	3 506	304,8	4 406	570,4	2 383,3
13	Хоразм вилояти	11 642	875,9	1 337	109,8	2 559	175,9	2 099	203,0	3 035	151,4	2 612	235,8	1 403,3
14	Тошкент шаҳри	34 017	6 583,0	1 331	419,3	5 168	658,1	7 829	1 240,4	12 449	2 619,1	7 240	1 646,1	7 468,5

2017-2021 йилларнинг 9 ойида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан										Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.10.2021 й.)
				2017 йил III чорак		2018 йил III чорак		2019 йил III чорак		2020 йил III чорак		2021 йил III чорак		
				сони	суммаси									
ЖАМИ		199 555	23 468,0	19 250	1 882,9	41 488	3 687,3	46 258	5 304,2	50 627	6 444,3	41 932	6 149,3	32 865,4
1	Ипотекабанк	67 923	8 242,7	2 683	277,0	13 565	1 281,8	13 983	1 782,1	21 630	2 717,5	16 062	2 184,3	10 387,3
2	Асакабанк	21 633	2 678,6	2 244	220,0	4 853	473,7	6 929	812,9	6 452	972,0	1 155	200,0	3 165,7
3	Миллийбанк	27 394	2 577,3	3 956	302,6	5 807	422,2	6 223	599,7	6 062	593,1	5 346	659,7	3 831,3
4	Ўзсаноатқурилишбанк	20 799	2 726,8	2 194	257,9	3 920	343,9	6 460	722,5	5 970	1 032,2	2 255	370,3	3 078,4
5	Халқ банки	11 606	1 030,7	1 534	122,7	3 162	226,7	2 620	205,7	2 584	234,3	1 706	241,3	1 546,9
6	Алоқабанк	1 497	275,9	292	39,2	406	65,9	332	57,2	319	76,8	148	36,8	363,8
7	Қишлоққурилишбанк	36 861	3 408,4	5 434	435,9	8 482	651,4	7 064	695,2	5 817	332,6	10 064	1 293,3	7 722,8
8	Микрокредитбанк	1 903	356,1	84	11,0	625	99,9	267	52,0	245	52,7	682	140,6	433,0
9	Агробанк	1 661	337,8	48	7,0	59	8,2	253	44,0	385	109,7	916	168,9	426,2
10	Туронбанк	1 366	286,7	104	14,0	39	6,2	205	40,0	331	85,2	687	141,3	346,8
11	Бошқа банклар	6 912	1 547,1	677	195,8	570	107,3	1 922	292,9	832	238,3	2 911	712,9	1 563,2

Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи

2021 йил 1 октябрь ҳолатига

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ипотека қолдиғи		шундан,									
				банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан		бюджет маблағлари ҳисобидан		Молия вазирлиги маблағлари		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси		Марказий банкнинг маблағлари ҳисобидан	
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		262 222	32 865,4	70 369	8 017,6	162 095	18 867,4	21 320	4 549,9	7 256	1 294,8	1 182	135,7
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16 856	2 023,4	6 845	872,6	8 777	942,2	623	119,9	611	88,8		
2	Андижон вилояти	18 552	2 105,3	4 379	387,9	11 523	1 168,0	2 088	455,8	384	74,4	178	19,2
3	Бухоро вилояти	14 047	1 524,4	3 202	275,6	9 311	978,6	1 236	223,4	298	46,7		
4	Жиззах вилояти	12 031	1 530,9	3 010	435,6	8 369	962,0	407	96,7	186	30,1	59	6,5
5	Қашқадарё вилояти	22 514	2 447,1	7 667	759,0	13 731	1 483,8	672	143,6	325	47,8	119	13,0
6	Навоний вилояти	13 172	1 397,9	3 093	220,7	7 624	741,6	1 641	312,8	666	107,3	148	15,4
7	Наманган вилояти	15 832	1 661,9	3 045	234,6	10 865	1 094,3	1 527	278,4	305	45,5	90	9,1
8	Самарқанд вилояти	23 514	3 008,6	4 847	479,6	14 778	1 644,7	3 541	823,3	203	40,8	145	20,3
9	Сурхондарё вилояти	18 763	2 228,1	5 913	680,4	10 911	1 130,4	1 567	362,0	162	30,3	210	24,9
10	Сирдарё вилояти	9 563	1 126,2	2 682	321,8	6 398	702,0	228	63,4	195	32,5	60	6,4
11	Тошкент вилояти	21 088	2 556,5	3 593	363,4	15 797	1 903,9	650	132,6	995	150,4	53	6,2
12	Фарғона вилояти	21 701	2 383,3	4 880	415,4	13 539	1 375,5	2 804	525,8	478	66,6		
13	Хоразм вилояти	13 936	1 403,3	3 148	225,1	9 684	998,7	517	85,4	467	79,4	120	14,7
14	Тошкент шаҳри	40 653	7 468,5	14 065	2 345,8	20 788	3 741,6	3 819	926,9	1 981	454,2		

Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи

2021 йил 1 октябрь ҳолатига

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ипотека қолдиғи		шундан,									
				банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан		бюджет маблағлари ҳисобидан		Молия вазирлиги маблағлари		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси		Марказий банкнинг маблағлари ҳисобидан	
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		262 222	32 865,4	70 369	8 017,6	162 095	18 867,4	21 320	4 549,9	7 256	1 294,8	1 182	135,7
1	Ипотекабанк	66 980	10 387,3	10 198	1 333,5	46 935	6 997,9	8 109	1 739,9	1 738	315,9		
2	Асакабанк	23 453	3 165,7	7 977	826,3	13 558	2 019,6	542	113,5	721	132,2	655	74,2
3	Миллийбанк	33 015	3 831,3	7 590	864,8	23 076	2 484,5	1 935	431,0	33	9,9	381	41,1
4	Ўзсаноатқурилишбанк	20 982	3 078,4	5 876	777,6	13 018	1 905,9	625	137,2	1 463	257,7		
5	Халқ банки	13 806	1 546,9	7 112	655,5	5 324	594,6	1 145	257,6	79	18,7	146	20,4
6	Алоқабанк	2 731	363,8	2 514	317,0	0	0,0	217	46,7	0	0,0		
7	Қишлоққурилишбанк	85 271	7 722,8	19 348	1 723,9	60 133	4 862,6	5 025	994,9	765	141,4		
8	Микрокредитбанк	2 508	433,0	1 431	224,6	44	2,0	1 033	206,5	0	0,0		
9	Агробанк	2 931	426,2	1 659	182,5	2	0,1	709	152,0	561	91,7		
10	Туронбанк	1 978	346,8	1 215	194,3			311	67,5	452	85,0		
11	Бошқа банклар	8 567	1 563,2	5 449	917,5	5	0,4	1 669	403,2	1 444	242,2		

3.1-илова

2021 йил 9 ойида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 14 фоизгача	йиллик 14 фоиздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
ЖАМИ		41 932	6 149,3	4 893,4	1 255,9	654,1	1 412,5	2 861,5	1 221,3	2 148,8	4 000,5
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 695	244,3	179,4	64,9	23,1	60,7	73,1	87,4	67,8	176,5
2	Андижон вилояти	3 015	493,7	395,3	98,4	16,4	56,3	349,9	71,0	174,5	319,2
3	Бухоро вилояти	2 075	255,8	214,4	41,4	3,1	54,6	147,0	51,1	122,2	133,7
4	Жиззах вилояти	1 324	166,9	151,7	15,1	27,6	34,0	73,9	31,3	63,2	103,6
5	Қашқадарё вилояти	2 561	273,4	225,3	48,1	8,3	77,2	128,5	59,4	142,0	131,4
6	Навоий вилояти	1 984	299,4	211,7	87,7	5,7	11,7	175,1	106,9	24,4	274,9
7	Наманган вилояти	2 710	362,8	321,3	41,5	6,3	74,2	234,2	48,0	152,8	210,0
8	Самарқанд вилояти	3 372	585,4	554,7	30,7	8,9	68,7	457,2	50,5	253,5	331,8
9	Сурхондарё вилояти	3 295	392,7	369,2	23,6	30,2	79,0	250,4	33,2	130,2	262,6
10	Сирдарё вилояти	1 288	196,3	168,4	27,9	60,3	62,0	42,5	31,5	89,5	106,7
11	Тошкент вилояти	3 355	426,4	288,5	137,9	37,7	174,7	67,1	146,9	159,8	266,7
12	Фарғона вилояти	4 406	570,4	519,5	50,8	33,9	96,7	372,5	67,3	222,7	347,7
13	Хоразм вилояти	2 612	235,8	175,1	60,7	5,4	97,6	54,0	78,8	111,7	124,1
14	Тошкент шаҳри	7 240	1 646,1	1 118,9	527,2	387,0	465,1	436,1	357,9	434,4	1 211,6

2021 йил 9 ойида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламч и бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлар	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 14 фоизгача	йиллик 14 фоиздан юқори
		сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
ЖАМИ		41 932	6 149,3	4 893,4	1 255,9	654,1	1 412,5	2 861,5	1 221,3	2 148,8	4 000,5
1	Ипотекабанк	16 062	2 184,3	1 863,1	321,2	125,4	652,3	1 140,5	266,0	1 083,1	1 101,2
2	Асакабанк	1 155	200,0	150,3	49,6	7,8	9,5	49,5	133,1	14,4	185,6
3	Миллийбанк	5 346	659,7	643,1	16,6	40,5	369,2	240,1	9,9	380,4	279,3
4	Ўзсаноатқурилишбанк	2 255	370,3	135,1	235,2	36,0	47,4	55,4	231,5	86,5	283,9
5	Халқ банки	1 706	241,3	211,9	29,4	65,1	23,4	133,9	19,0	82,3	159,0
6	Алоқабанк	148	36,8	36,8	0,0	10,3	1,5	25,0		0,0	36,8
7	Қишлоққурилишбанк	10 064	1 293,3	1 187,4	105,9	67,0	293,2	796,0	137,0	476,2	817,1
8	Микрокредитбанк	682	140,6	140,1	0,5	11,0		129,6		0,2	140,4
9	Агробанк	916	168,9	127,2	41,7	1,3	0,2	77,1	90,3	0,5	168,3
10	Туронбанк	687	141,3	70,0	71,3	23,6		28,2	89,5	0,4	140,9
11	Бошқа банклар	2 911	712,9	328,4	384,5	266,0	15,7	186,1	245,1	24,8	688,0

2020 йил ва 2021 йилнинг 9 оyi давомида Янги тартиб доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
				янги тартиб доирасида		шундан		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан	
						субсидия асосида ажратилган кредитлар				иккиламчи бозорга	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		28 347	5 891,7	21 209	4 608,5	6 758	1 484,9	7 138	1 283,3	6 625	1 208,2
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 283	222,7	663	131,4	9	1,6	620	91,3	578	86,0
2	Андижон вилояти	2 497	534,6	2 123	462,7	738	157,9	374	71,9	355	70,1
3	Бухоро вилояти	1 650	297,6	1 331	245,9	689	123,1	319	51,6	307	50,6
4	Жиззах вилояти	643	142,9	456	110,9	181	44,1	187	32,0	162	30,0
5	Қашқадарё вилояти	1 158	230,5	779	170,6	282	63,8	379	59,9	368	59,0
6	Навоий вилояти	2 316	434,3	1 630	321,9	67	10,5	686	112,4	647	106,7
7	Наманган вилояти	1 902	341,6	1 578	291,2	715	135,9	324	50,4	296	47,5
8	Самарқанд вилояти	3 965	930,7	3 716	879,3	2 012	476,8	249	51,3	238	50,2
9	Сурхондарё вилояти	1 932	447,7	1 751	413,4	607	146,4	181	34,3	167	32,0
10	Сирдарё вилояти	416	93,2	225	61,3	25	6,5	191	31,9	175	30,7
11	Тошкент вилояти	1 487	258,2	492	99,9	48	11,3	995	158,3	918	145,9
12	Фарғона вилояти	3 354	614,4	2 863	546,6	746	149,5	491	67,9	462	65,7
13	Хоразм вилояти	1 016	175,4	541	93,6	88	18,0	475	81,8	430	76,9
14	Тошкент шаҳри	4 728	1 167,9	3 061	779,6	551	139,6	1 667	388,3	1 522	357,0

2020 йил ва 2021 йилнинг 9 оyi давомида Янги тартиб доирасида ва Ўзбекистон ипотека қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
				янги тартиб доирасида		шундан		Ўзбекистон ипотека қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан	
						субсидия асосида ажратилган кредитлар				иккиламчи бозорга	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		28 347	5 891,7	21 209	4 608,5	6 758	1 484,9	7 138	1 283,3	6 625	1 208,2
1	Ипотекабанк	9 668	2 049,7	8 072	1 755,0	2 385	536,1	1 596	294,6	1 420	265,2
2	Асакабанк	1 261	248,9	538	115,7	181	41,7	723	133,1	698	131,6
3	Миллийбанк	1 943	440,6	1 911	430,8	793	182,9	32	9,9	32	9,9
4	Ўзсаноатқурилишбанк	2 084	397,4	632	141,2	183	42,5	1 452	256,2	1 329	231,5
5	Халқ банки	1 239	285,7	1 159	266,8	719	157,1	80	19,0	80	19,0
6	Алоқабанк	222	49,5	222	49,5	62	13,3				
7	Қишлоққурилишбанк	5 663	1 125,4	4 895	982,5	1 226	245,7	768	142,9	735	137,0
8	Микрокредитбанк	1 045	211,9	1 045	211,9	398	79,6				
9	Агробанк	1 279	249,7	717	156,7	506	111,5	562	93,0	548	89,9
10	Туронбанк	780	158,1	310	68,6	88	20,4	470	89,5	416	84,4
11	Ипак Ёули банк	66	15,4	66	15,4	34	7,9				
12	Хамкор банк	1 568	268,5	113	23,5	30	6,6	1 455	245,1	1 367	239,9
13	Капитал банк	532	129,4	532	129,4	43	10,1				
14	Ориент финанс банк	997	261,6	997	261,6	110	29,6				

2021 йил 1 октябрь ҳолатига Янги тартиб доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Худуд номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси
ЖАМИ		13 282	2 861 479,7	662	130 537,7	6 679	1 329 023,9	5 212	1 254 829,2	395	98 255,7	334	48 833,3
1	Қорақалпоғистон Республикаси	358	73 098,8	17	3 023,7	256	49 608,7	81	19 492,7	3	735,7	1	238,0
2	Андижон вилояти	1 670	349 890,8	37	6 500,5	850	169 111,3	534	131 495,9	42	10 728,9	207	32 054,2
3	Бухоро вилояти	796	146 981,9	35	4 703,2	479	82 152,1	270	57 365,8	12	2 760,7		
4	Жиззах вилояти	307	73 923,1	25	4 927,7	120	26 937,8	143	37 173,0	14	3 971,6	5	913,0
5	Қашқадарё вилояти	578	128 454,8	19	3 596,9	395	82 412,3	148	38 924,0	16	3 521,6		
6	Навоий вилояти	910	175 055,7	112	18 087,5	532	95 395,3	249	57 867,3	16	3 501,6	1	204,0
7	Наманган вилояти	1 251	234 248,4	13	2 611,6	548	98 190,4	664	128 221,0	23	4 677,4	3	548,0
8	Самарқанд вилояти	1 925	457 224,9	27	6 050,5	882	181 973,5	991	262 738,1	23	5 976,5	2	486,3
9	Сурхондарё вилояти	1 058	250 352,7	35	6 392,7	538	115 505,2	469	124 585,6	12	3 476,0	4	393,2
10	Сирдарё вилояти	157	42 521,0	4	833,4	83	21 788,6	61	18 356,9	4	1 164,1	5	378,0
11	Тошкент вилояти	311	67 130,7	25	4 102,9	151	32 290,4	117	26 553,0	14	3 240,0	4	944,4
12	Фарғона вилояти	1 989	372 482,5	22	3 647,0	927	157 074,6	826	173 140,9	113	26 145,8	101	12 474,3
13	Хоразм вилояти	317	54 011,6	2	215,3	160	25 805,1	134	24 202,1	20	3 589,2	1	200,0
14	Тошкент шаҳри	1 655	436 102,8	289	65 844,7	758	190 778,5	525	154 712,9	83	24 766,6		

2021 йил 1 октябрь ҳолатига Янги тартиб доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси	сон	кредит суммаси
ЖАМИ		13 282	2 861 479,7	662	130 537,7	6 679	1 329 023,9	5 212	1 254 829,2	395	98 255,7	334	48 833,3
1	Ипотекабанк	5 215	1 140 502,0	343	64 870,3	2 305	471 764,0	2 084	508 819,0	254	62 239,6	229	32 809,1
2	Асакабанк	228	49 492,5	35	6 479,2	97	19 324,9	82	20 093,4	14	3 595,1		
3	Миллийбанк	1 066	240 126,7	73	13 263,0	466	101 926,9	466	116 751,1	11	3 256,4	50	4 929,2
4	Ўзсаноатқурилишбанк	247	55 425,6	3	496,3	153	32 040,6	60	15 078,5	29	7 550,8	2	259,3
5	Халк банки	602	133 880,7	9	1 558,4	309	60 004,0	281	71 519,3	3	799,0		
6	Алоқабанк	111	25 018,8	11	1 788,9	51	11 134,7	46	11 463,2	2	437,0	1	195,0
7	Қишлоққурилишбанк	3 945	796 033,6	3	576,6	2 506	471 375,6	1 386	313 570,7			50	10 510,7
8	Микрокредитбанк	649	129 556,5	22	4 338,0	270	47 610,2	317	69 181,4	40	8 426,9		
9	Агробанк	358	77 119,6	6	1 067,8	144	26 736,0	201	47 188,8	7	2 127,0		
10	Туронбанк	136	28 247,3	5	839,4	79	15 392,9	43	9 859,5	9	2 155,5		
11	Ипак Ўли банк	38	9 105,0	3	554,4	15	3 307,2	19	4 961,8	1	281,6		
12	Хамкор банк	47	9 663,8	5	964,2	21	3 808,1	16	4 044,0	3	717,5	2	130,0
13	Капитал банк	130	32 555,8	29	6 669,0	55	12 028,7	42	12 630,0	4	1 228,1		
14	Ориент финанс банк	510	134 751,8	115	27 072,2	208	52 570,0	169	49 668,4	18	5 441,2		

2021 йил 9 ойида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан
аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
				сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		6 805	1 221 336,0	11	2 251,3	6 625	1 208 245,4	169	10 839,4
1	Қорақалпоғистон Республикаси	597	87 401,6	1	100,5	578	86 044,2	18	1 256,9
2	Андижон вилояти	369	71 035,6			355	70 090,6	14	945,0
3	Бухоро вилояти	315	51 142,7	1	180,0	307	50 561,7	7	401,0
4	Жиззах вилояти	183	31 313,4			162	29 987,2	21	1 326,2
5	Қашқадарё вилояти	375	59 404,6			368	58 993,6	7	411,0
6	Навоий вилояти	651	106 926,5			647	106 704,0	4	222,5
7	Наманган вилояти	306	48 006,5			296	47 459,0	10	547,5
8	Самарқанд вилояти	243	50 532,1			238	50 156,3	5	375,8
9	Сурхондарё вилояти	177	33 206,1	3	826,3	167	31 960,8	7	419,0
10	Сирдарё вилояти	188	31 481,6			175	30 708,6	13	773,0
11	Тошкент вилояти	931	146 937,9	1	262,5	918	145 926,5	12	748,9
12	Фарғона вилояти	486	67 272,8	1	60,0	462	65 678,8	23	1 534,0
13	Хоразм вилояти	456	78 794,9	2	306,0	430	76 924,3	24	1 564,6
14	Тошкент шаҳри	1 528	357 879,7	2	516,0	1 522	357 049,7	4	314,0

2021 йил 9 ойида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан
аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
				сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		6 805	1 221 336,0	11	2 251,3	6 625	1 208 245,4	169	10 839,4
1	Ипотекабанк	1 428	266 031,4	1	262,5	1 420	265 231,1	7	537,8
2	Асакабанк	723	133 148,9			698	131 630,1	25	1 518,8
3	Миллийбанк	32	9 860,2			32	9 860,2		
4	Ўзсаноатқурилишбанк	1 329	231 459,6			1 329	231 459,6		
5	Халқ банки	80	18 956,1			80	18 956,1		
6	Қишлоққурилишбанк	736	137 006,9			735	136 951,9	1	55,0
7	Агробанк	552	90 311,0	3	340,5	548	89 890,5	1	80,0
8	Туронбанк	470	89 500,1	6	1 432,3	416	84 390,1	48	3 677,8
9	Хамкор банк	1 455	245 061,6	1	216,0	1 367	239 875,7	87	4 969,9